

## Захриддин Муҳаммад Бобур Тавалудининг 535 йиллиги

Тошкент ирригация ва Қишлоқ Хўжалиғни Механизациялаш Муҳандислари институтида Захриддин Муҳаммад Бобур Тавалудининг 535 йиллиги муносабати билан "Шоҳ ва Шоир бобомиз" шиори остида 2018-йилнинг 14-феврал куни 3-ТТЖда тарбиячи педагог Азиза Хайитова ҳамда институт "ёшлар иттифоқи" Бошланғич ташкилоти бошчилиғида Захриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд аёми кўтаринки руҳда ўтказилди. Тадбирда "Ердан фойдаланиш ва ер кадастри", "Иқтисодиёт ва менежмент", "Қишлоқ сув хўжалиғини электрлаштириш ва автоматлаштириш" факультетларининг иқтидорли талабалари иштирок этишди. Иқтидорли талабаларга Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида саволлар берилди. Иқтидорли талабалармиз саволларга зукколик билан жавоб беришди. Шу билан буюк бобокалонимизнинг қаламига мансуб ғазаллар, рубоиларни фаол талабаларимиз ёддан айтиб беришди.



Тадбирни ташкил этган 3-талабалар турар жойи педагог-тарбиячиси Азиза Хайитова ва ёшлар иттифоқи фаолларига талабалар номидан миннатдорчилик билдирамыз.

**3-ТТЖ тарбиячи педагогик Азиза Хайитова ахбороти**